БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ СИНФ ВА СИНФДАН ТАШҚАРИ МАШҒУЛОТЛАР ЖАРАЁНИДА ТЕХНОЛОГИЯГА ҚИЗИҚИШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МЕТОДЛАРИ

Махлиё Хайдарова
Термиз давлат педагогика институти
Катта ўқитувчиси
Наргиза Ҳушбоқова
Термиз давлат педагогика институти
2-курс магистранти

Аннотация: Мазкур мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг синфдан ташқари машғулотлар жараёнида технологияга қизиқишини шакллантириш методлари ҳақида қисқача фикр юритади.

Калит сўзлар: Кейс-стади методи, табиий материаллар, балиқ скеледи методи, ақлий ҳужум, техник воситалар, кластер методи.

Аннотация: В данной статье кратко рассматриваются методы формирования интереса учащихся начальных классов к процессу внеурочной деятельности по технике.

Ключевые слова: кейс-метод, природные материалы, метод рыбьих скелетов, мозговой штурм, технические средства, кластерный метод.

Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий инновацион технологияга қизиқиш фаолиятларини ривожлантиришда эвристик ва муаммоли таълимдан ташқари билишга йўналтирилган, илмий асосланган таълим методларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Маълумки, интерфаол таълим асосини интерфаол методлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Мактабларни ривожлантириш миллий дастурини жорий этиш орқали халқ таълими тизимида қўшимча 1,2 миллион ўқувчи ўрни яратиш” 37-мақсад сифатида алоҳида белгиланган”[40]. Бошланғич таълимда ўқувчиларнинг ижодий инновацион технологияга қизиқиш фаолиятларини ривожлантиришда қуйдаги методлардан фойдаланилади. ” Ажурли арра” методи ҳисобланиб , “Ажурли арра” (французча “ажоур” - бир ёқдан иккинчи ёкка ўтган, икки томони очик) методи. Ўкувчиларга яхлит муайян мавзуни бир нечта кисмларга ажратиш

[40]Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармониига асосан тасдиқланган, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури.//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

оркали мохиятини ёритиш имкониятини яратади. Ушбу метод кулланилганда ўкувчилар тайёр матнлар билан ишлайди [41] . “Асалари галаси” методи ўрганилаётган мавзу бўйича танланган муаммонинг синфхонада умумий ёки кичик гурухларда алоҳида тахлил килинишига ёрдам беради. Методни қўллашда кичик гурухларга бериладиган топшириклар бир хил ёки турлича бўлиши мумкин. Гурухдарга берилган топшириқ муайян муддат ичида мухокама килиниб, натижа барчага маълум. “Ақлий ҳужум” методи ўкувчиларни мавзу хусусида кенг ва хар томонлама фикр юритиш, ўз тасаввурлари, ғояларидан ижобий фойдаланишга доир кўникма, малакаларни ҳосил қилишга рагбатлантиради. У ёрдамида ташкил этилган машгулотларда ихтиёрий муаммолар юзасидан бир неча оргинал (ўзига ҳос) ечимларни топиш имконияти туғилади. Метод мавзу доирасида маълум бўлади.

“Балиқ скеледи” метод ўқувчиларда мавзу юзасидан муайян масала мохиятини тасвирлаш ва ечиш кобилиятини шакллантиради. Уни қўллашда ўкувчиларда мантикий фикрлаш, мавзу мохиятини ёритувчи таянч тушунча, маълумотларни муайян тизимга келтириш, уларни таҳлил килиш кўникмалари ривожланади. Метод ўқувчиларга ўкув материалининг мавзусидан келиб чиқган ҳолда турли муаммоли масала ёки вазиятларни яратиш, мавзунинг асосий таянч тушунчаларини ажратиб олиш, уларни изохдаш, тахлил қилиш, таърифлашда ёрдам беради.

Бугунги кунда, метод машғулот давоми дахлдор бир ўкувчига турли топшириклари индивидуал бажариш, унинг устида мустакил ишлаш имконини беради. Бу метод ўкувчиларда бир қатор тарбиявий характердаги, яъни: мустакил ишлай олиш; мулокатга киришувчанлик; хушфеъллик; ўзгалар фикрини хурмат килиш; фаоллик; фаолиятга ижодий ёндашиш; фаолиятнинг самарали бўлишига кизиқиш ва интилиш; ўзини ўзи баҳолаш каби сифатларни шакллантиришга ёрдам беради. Шунингдек, у ўқувчиларда мавзуни ўрганишга ижодий ёндашиш, шахсий фикр, ўзлаштирилган тушунчаларни тасвирий кўринишларда ифодалаш кобилиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Ўқувчилар мавжуд билимларига таянган холда ўрганилаётган мавзу мохиятини очиб беради. “Интервью” методи ҳисобланиб, метод бир-бирлари билан таниш бўлмаган ўкувчилар ўртасида ўзаро мулоқотни ташкил этиш, уларнинг бир-бирлари билан якиндан танишишлари учун зарур шароитни яратиб бериш максадида қўлланилади. Уни қўллашда бир-бирларини яхши танимайдиган жуфтликлар тузилиб, ўқувчиларнинг танишиб олишлари учун 2-3 дақиқа вақт берилади. Сўнгра жуфтликнинг ҳар бир аъзоси жамоага бирор қизиқарли далил ёрдамида ўз шериги тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади. Бунда

[41] Д.Рўзиева, М.Усмонова, З.Ҳолиқова “Интерфаол методлар:моҳияти ва қўлланилиши”(методик қўлланма) Тошкент , Низомий номидаги ТДПУ нашриёти 2013 йил -136 бет.

гурухдаги хар бир ўқувчининг бир нафар киши билан танишиши назарда тутилади. Метод ўқувчида дадиллик, журъатни ҳосил килади. Бироқ, бу методни 25 нафардан ортик аъзоси бўлган гурухларда қўллаш самарали хисобланмайди. “Кластер” методи ҳисобланиб, “Кластер” (ғунча, тўплам, боғлам) методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, уни ўкувчи лар билан якка тартибда, гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотларда қўллаш мумкин. Кластерлар илгари сурилган ғояларни умумлаштириш, улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Республикамиз узлуксиз таълим тизимининг турли боскичларида фаолият олиб бораётган ўқитувчилардан ҳар бир интерфаол методнинг мохияти, хусусияти, замонавий педагогик технологияларни эгаллаш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллай олиши лозим. Улар замонавий педагогик технологияларнинг ўқув тарбия жараёнидаги ўрни, улардан фойдаланиш, шунингдек, усул, метод ва технология тушунчалари, ”Ақлий ҳужум”, ”Тармоқлар” (Кластер) ”Ассесмент” методлари, ”Бумеранг”, ”Скарабей”, ”Чархпалак”, ”Резюме”, ”Кейс-стади” ва шу каби технологиялар ҳақидаги билимларга эга бўлишлари ва улардан ўқув-тарбия жараёнида фойдалана олишлари лозим. қўлланилиш шартлари билан батафсил таништирилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. .Мирзиёев. Ш.М ”Ўзбекистон Республиаси ҳалқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ - 5712 – сонли Фармони 29.04 2019 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармониига асосан тасдиқланган, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури.//Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон.

3. Д.Рўзиева, М.Усмонова, З.Ҳолиқова “Интерфаол методлар:моҳияти ва қўлланилиши”(методик қўлланма) Тошкент , Низомий номидаги ТДПУ нашриёти 2013 йил -136 бет.

4. Таълат. Ғаффорова “Бошланғич таълимда замонавий педагогик технологиялар” (методик қўлланма).-Тошкент “Тафаккур” нашриёти, 2011 йил. -152 бет

5. Ишмуаммедов. Р ва бошқалар. Таълимда инновацион технологиялар. 2008 й.

6. Мавлонова. Р.А.” Бошланғич таълимда инновация.” (методик қўлланма) - Т. 2007 йил 143 бет